O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 20 10 0'0

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 27 сентябр чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 191-192 (2488-2489)

# СИНАЛГАН ДЎСТ — ҚАРИНДОШДАН АФЗАЛ



***Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий биродарлик, асрий дўстлик неча-неча синовлардан ўтган. Бугунги кунда ҳам мустақил тараққиёт йўлини танлаган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бормоқда.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 сентябр куни расмий ташриф билан Қирғизистон пойтахти Бишкекка жўнаб кетиш олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида ҳам бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.***

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигига мисол қилиб ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган воқеаларни яна бир бор эсга олди.

— Ҳақиқий дўст бошга ташвиш тушганда билинади, деган нақл бор, — деди Ислом Каримов. — Биз террорчи гуруҳлар Боткенга хуруж қилганида қирғиз халқи билан елкама елка турдик. Қирғизистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Бизнинг жиноий тўдаларга қарши курашда фикрларимиз бир жойдан чиқаётгани бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг изчиллигини таъминлаб, азалий дўстлигимизни мустаҳкамлашга, ўзаро янада яқинлашишимизга асос бўлмоқда.

Ислом Каримовнинг Қирғизистонга расмий ташрифига томонлар алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Зеро, ушбу сафар давомида Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг ўзаро муносабатлари ривожи учун муҳим бўлган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилаётир. Жумладан, ташриф доирасида икки давлат ўртасидаги алоқаларни кучайтириш тўғрисида Баёнот қабул қилинади ҳамда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланади. Шунингдек, Бишкекда божхона, консуллик алоқалари ва қонун ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблаштириш борасидаги келишувларга ҳам имзо чекилади.

Маълумки, жорий йил октябр ойининг охирларида Қирғизистонда президент сайлови бўлиб ўтади. Айни пайтда мамлакат Марказий сайлов комиссияси олти нафар номзодни расман рўйхатга олган. Даъвогарлар орасида Қирғизистоннинг айни пайтдаги раҳбари Асқар Акаев ҳам бор. Ўзбекистон жамоатчилиги қўшни давлатда юз бераётган бу жараённи катта қизиқиш билан кузатиб боряпти.

Ислом Каримов Қирғизистондаги мазкур муҳим тадбир хусусида тўхталар экан, жумладан, бундай деди:

— Ушбу сиёсий жараён, албатта, қўшни республиканинг ички иши. Шу сабабли четдан туриб бу тадбирга қандайдир таъсир ўтказишга уриниш ножоиздир. Сайловда кимнинг ғолиб бўлиши, аввало, Қирғизистон халқининг, яъниким сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

Лекин мен бир гапни айтмоқчиман. Биз Қирғизистоннинг бугунги раҳбарияти билан шунча йиллардан буён самарали ишлаб келяпмиз. Доимо бир-биримизга кўмак бердик, зарур вақтларда елкадош бўлдик, турли синовлардан биргаликда ўтдик. Шунинг учун, агар мен Қирғизистон фуқароси бўлганимда, босиб ўтилган шарафли йўлни, бугунги иқтисодий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, албатта, Асқар Акаев учун овоз берган бўлар эдим. Бу мустақил давлатнинг ички ишига аралашиш эмас, балки биродар халқ вакилининг ўз қардошларига айтган дил сўзларидир.

Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувларида доимо Афғонистон масаласи кўтарилади. Чунки бу давлатдаги урушни бартараф этиш, қўшни юртда тинчлик ўрнатишда Ўзбекистон кўп саъй-ҳаракат қилмоқда. Журналистларнинг давлатимиз раҳбарига Афғонистон масаласида бот-бот мурожаат қилиши мамлакатимиз ҳукуматининг бу муаммони ечиш йўлида олиб бораётган сиёсатига бўлган катта қизиқишнинг натижасидир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлардан ҳам маълумки, бугунги кунда Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар жуда фаоллашиб қолди. "Толибон" ҳаракати кучлари "Шимолий иттифоқ" вакилларининг асосий таянч пункти бўлмиш Панжшер дарасини ишғол қилишга бор кучини ташлаган ва айни пайтда бу ерда шиддатли жанглар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистон бу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига қаратилган барча саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлаб келганини яна бир бор таъкидлади. Афғонистонда барқарорлик бўлмас экан, Марказий Осиёдаги халқлар ҳам хотиржам яшай олмайди, деди Ислом Каримов. Президентнинг айтишича, Афғонистоннинг катта геосиёсий ўйин майдонига айланиб қолгани бу юртда минглаб қурбонларга, қанча-қанча болалар сағир бўлишига олиб келди.

— "Толибон" ҳаракатининг сўнгги кунлардаги муваффақиятли юришлари, Афғонистоннинг минтақамиз билан чегарадош ҳудудларда ўз назоратини ўрнатаётгани кимлардадир хавотир ҳам уйғотиши табиий, — деди Президент. — Ўзбекистон шу вақтгача Афғонистон билан бирор марта ҳам можарога бормаган, унинг ички жанжалларига аралашмаган. У ерда ҳокимият талашаётган ҳеч қайси гуруҳга кўмак бермаган. Биз "Толибон" ҳаракатини ҳам, унинг мақсадлари ва сиёсати қандай бўлишидан қатъи назар, Афғонистондаги йирик сиёсий куч сифатида қабул қилганмиз.

Ўзбекистон қўшни давлатда тинчлик ўрнатиш борасида толибларнинг ҳам фикрини эшитишга доим тайёр бўлган. Жумладан, ўтган йили "олти плюс икки" гуруҳининг Тошкентдаги учрашувида "Толибон" вакиллари ҳам иштирок этгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Афғонистондаги барча кучларнинг тинчлик йўлида ўзаро келишувга эришиши тарафдори. Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталадиган бўлсак, айтиш керакки, албатта, биз доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб турмоғимиз даркор. Бироқ хавотирга тушишга ҳам асос йўқ. Бизнинг ҳар қандай хавфни бартараф қилишга қудрати етадиган қуролли кучларимиз бор.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВЛАР

***26 сентябр, БИШКЕК. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).***

Бишкекдаги "Манас" аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кутиб олди. Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Асқар Акаев ўзининг таклифини қабул қилиб, Бишкекка ташриф буюргани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларини фақат қардошлик ва биродарлик туйғуларигина эмас, балки тарихий, маданий муштараклик, илдизларнинг бирлиги ҳамда мустаҳкам қўшничилик алоқалари боғлаб туришини айтди. Асқар Акаев Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга ташрифи ҳамиша икки томонлама муносабатлар ривожига туртки бўлиб келганини таъкидлади ва бу галги сафар ҳам ўзаро алоқаларни янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ислом Каримов Бишкек сафари чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқалар билан бир қаторда минтақавий хавфсизлик масаласи ҳам кенг муҳокама этилиши кўзда тутилаётганини маълум қилди.

— Бугунги мураккаб воқелик, — деди Президентимиз, — хавфсизлик муаммоларига янада фаолроқ, янада жипсроқ ёндашишга, воқеалар қай тарзда ривожланишини олдиндан таҳлил қилиб, унинг оқибатини кўра билиш ва биргаликда зарур чора-тадбирлар кўришга ундамоқда.

Ўзбекистон раҳбари икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш заруратини ҳам таъкидлади. Жумладан, сув ва энергетика заҳираларидан фойдаланиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо-сотиқ ҳажмини ошириш учун имкониятлар кўп эканини қайд этди.

Асқар Акаев сув ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталиб, Қирғизистон Ўзбекистон билан биргаликда "Қамбарота" гидроэлектр станциясини қуришга тайёрлигини маълум қилди.

Журналистларнинг Афғонистондаги вазият билан боғлиқ саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтарилди. Ислом Каримов бу хусусда Тошкентда айтган гапларини такрорлади. Асқар Акаев Президентимизнинг фикрларини қўллаб-қувватлади.

Журналистлар билан учрашувдан кейин Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари, Ўзбекистон ва Қирғизистонни ташвишга солаётган минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Кечқурун "Ола арча" қароргоҳида Қирғизистон Президенти номидан Ислом Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Икки томонлама музокаралар эртага давом этади.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг***

***ҚАРОРИ***

## 2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

***Ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июлдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини республика ташқарисига чиқаришнинг вақтинчалик тартибининг амал қилиши 2000 йил 15 октябргача узайтирилсин.

2. Жисмоний ва юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилинганда, шу жумладан, консигнация шартларида ва бартер асосида экспорт қилинганда уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июлдаги 261-сон қарорида белгиланган шартлар ва бериладиган имтиёзлар 2000 йил 15 октябргача сақлаб қолинсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 26 сентябр.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

***Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!***

***Биз, дунёнинг турли мамлакатларидан келган санъаткорлар гўзал Ўзбекистон диёрида ўтган иккинчи халқаро симфоник мусиқа фестивалида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганимиздан беҳад мамнунмиз.***

***Халқаро миқёсда эътироф этилаётган ушбу анжуман симфоник мусиқа санъатини ривожлантириш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Унинг Шарқ дарвозаси ҳисобланган Тошкентда ўтказилаётганлиги Ўзбекистоннинг юксак ижодий салоҳиятини, буюк ва бебаҳо маданий меросининг бардавомлигини кўрсатади. Энг муҳими, бу диёрда қадим Шарқ мусиқаси билан бирга Ғарб мусиқаси санъатининг ўлмас дурдоналари ҳамоҳанг яшаб келмоқда.***

***Икки йил аввал ўтган биринчи анжуманимиз ҳамкасбларимизнинг келгуси ижодий парвозлари учун катта имкониятлар очиб берди. Ўтган давр ичида яратилган юксак бадиий савиядаги янги симфоник асарлар Тошкент фестивалининг аҳамияти янада ошиб бораётганидан, унинг миллий қадриятлар ва замонавий бастакорлик ижодининг уйғунлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганлигидан далолат беради.***

***Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!***

***Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қаерда тинчлик, тўкинлик, фаровонлик бўлса, ўша ерда куй яралади, ўша ерда ажиб ва сеҳрли мусиқа оҳанглари янграйди. Мусиқа бу — гўзаллик, баркамоллик, нафосат, эзгулик мевасидир, тинчлик жарчиси, дўстлик элчисидир. Жаннатмонанд Ўзбекистон ўлкаси Сизнинг раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингиз остида тинчликнинг қадрига етиб, ўзининг буюк келажаги сари дадил одимламоқда. Ана шундай улуғ мақсадлар йўлида Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаймиз.***

**II халқаро симфоник мусиқа фестивали қатнашчилари.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 сентябр.

## ПАРТИЯ ПЛЕНУМИ

Кеча Фидокорлар миллий демократик партиясининг навбатдаги II пленуми бўлиб ўтди. Пленумни ФМДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Ахтам Турсунов олиб борди.

Пленумда Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга 22 октябр куни бўладиган Олий Мажлис депутатлари сайловига номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди. Пленум қарорига мувофиқ, бўшаб қолган 160-Паркент ва 171-Чиноз сайлов округларида Олий Мажлис депутатлигига сайловда қатнашиш учун номзодлар кўрсатилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## НАМАНГАНДА БИРИНЧИ

Чортоқ тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар. Қабул пунктларига 8050 тоннадан ортиқ юқори сифатли саноат хомашёси етказиб берилди. Тўғри, бошқа туманларга солиштирганда бу унчалик катта хирмон эмас. Аммо экинзорларининг асосий қисмини боғ ва токзорлар, сабзавот пайкаллари эгаллаган ҳамда эл дастурхонини ширин-шакар мева, узум, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган Чортоқ учун салмоқли.

Тармоқ меҳнаткашларига маррани эгаллаш учун 15 иш куни кифоя қилди. Ҳосилнинг одатдагидан қарийб уч ҳафта илгари пишиб етилиши, чаноқларнинг барвақт юз очгани кунлик суръатни 8 фоиздан ошириш имконини берди. Сифат ҳам кўнгилдагидек: нам ёки ифлос пахтанинг ўзи йўқ.

— Туманимиз ҳам, хўжалигимиз ҳам яқин йиллар ичида биринчи бор режани сентябр ойида бажарди, — дейди Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Турдиали Жумабеков. — Эрта экиб, эрта йиққанимиз хазинага барака киритадиган бўлди. Ҳосилни тоза терганимиз ва қуритиб топширганимиз боис завод ундан бирор кило ҳам чегирма олмади. Аксинча, 74 тонна қўшиб берди. 1100 тонна уруғлик жамғарганимиз ҳисобига 60




миллион сўм миқдорида қўшимча даромад олдик. Соф фойда эса 20 миллион сўмга етди.

Далаларда ҳали пахта мўл. Чортоқликлар ялпи хирмонни 10 минг тоннадан ошириш ниятида теримни жадал давом эттирмоқдалар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ибн Сино ўқувлари

Бухорода Ибн Сино халқаро жамғармаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ана шундай мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Бу анжуман аллома таваллудининг 1020 йиллигига бағишланди.

Дастлаб Бухоро вилояти жамоатчилиги вакиллари ҳамда халқаро анжуман иштирокчилари аллома номи билан аталувчи тиббиёт институтида бўлишди. Бу ерда Абу Али ибн Сино бюстининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Сўнг тадбир иштирокчилари аллома таваллуд топган қишлоқ — Пешку туманидаги "Афшона" қишлоғига ташриф буюрди.

Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этган анжуманда Ибн Сино меросини ўрганиш, оммалаштиришга оид икки янгилик тақдимоти бўлиб ўтди: улуғ аллома ҳаёти ва фаолиятига бағишланган компьютер орқали намойиш этиладиган мултимедиа лавҳалари, шунингдек, жамғарманинг "Ибн Сино — Авиценна" журналининг илк сони билан танишилди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига тарқатилиши мўлжалланаётган бу журналда буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва фаолияти, ўлмас илмий меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида мақола ва тадқиқотлар чоп этилади.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## Ёшлар — мамлакат келажаги

Тошкентда "Камолот" республика ёшлар жамғармасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда 1996-2000 йиллардаги фаолият якунлари муҳокама қилинди. Йиғилишда жамғарма муассис-ташкилотлари ва ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи тузилмалар раҳбарлари, пойтахтдаги олий ўқув юртлари ректорлари, шунингдек, "Камолот"нинг вилоят ва туман бўлинмалари ҳамда улар ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик марказлари раислари иштирок этди.

Йиғилишни Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё бошқарди.

Йиғилишда жамғарма бошқарувининг янги таркиби тасдиқланди.

"Камолот" республика ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси этиб Комилжон Юсупов сайланди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

«Обуна-2001»

**МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ**

## Одами эрсанг, демагил одами, Оникимйўқ ХАЛҚ СЎЗИдин ғами

«Халқ сўзи» сизнинг газетангиз



Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг мухлислари маъзур тутсинлар, шеъриятимиз султони фалакнинг гардиши билан бизга замондош бўлганларида, юқоридаги шоҳ байтни озгина ўзгартириб айтишларини хаёл қилдик.

Албатта, гап фақат газета номланиши ҳақида эмас. Азалдан эл-улус ичида «Халқ сўзи — ҳақ сўз» деган ибора мавжуд. Биз, таҳририятимиз ижодий жамоаси ана шу эзгу мақсад сари интилсак, газетхонларимиз айбга буюришмаса керак.

Қайси нашрга обуна бўлиш — ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Биз ҳозирги обуна мавсумида «Халқ сўзи» газетасининг бошқа даврий нашрлардан алоҳида жиҳатларини тилга олмоқчимиз.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»** — бу ҳафта мобайнида узлуксиз чиқадиган ўзбек тилидаги ягона кундалик газетадир.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»** — Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, халқ ҳукмига ҳавола этиладиган қонун лойиҳалари, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар тўлиқ чоп этиладиган даврий нашрдир.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»** — халқнинг дилидаги масалаларни кўтариб чиқиб, уларнинг ечими ҳал этилгунча изчил курашадиган газета.

**Муҳтарам газетхон!**

Сизларга шуни маълум қилмоқчимизки, 2001 йилда таҳририят таркибида газетхонлар фикрини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлим фаолият юритади.

Демак, «Халқ сўзи» чин маънода халқ ўй-фикрларининг кўзгусига айланади. Шу ўринда қуйидаги савол билан сизларга мурожаат қилмоқчимиз:

***«Сиз «Халқ сўзи» саҳифаларида қайси мавзулар кўпроқ ёритилишини хоҳлаган бўлардингиз?»***

______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

**Марҳамат, фикр-мулоҳазаларингиз ёзилган мактубларни кутамиз. Диққатга сазовор хатлар обуна мавсуми мобайнида чоп этилади. Манзилимиз ўзингизга маълум: Тошкент 700000, ГСП Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Халқ сўзи» таҳририятига, «Обуна-2001» белгиси билан ёзиб юборинг.**

**КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА, ШОШИЛИНГ!**

«Халқ сўзи» – 229
«Народное слово» – 116



# САХОВАТЛИ ОТАХОН

Олтиариқликларнинг миришкорлиги-ю, ер билан тиллаша олиши азал-азалдан маълуму машҳур. Бу довруғ ҳали ҳам сўнгани йўқ. Хусусан, Олтиариқ қишлоғидаги Кулләби маҳалласида истиқомат қилувчи Олимжон ҳожи Маҳкамов хонадонида бўлсангиз, ўзингиз ҳам бунинг гувоҳи бўласиз. Олимжон ака ўз меҳнатидан барака топган инсонлардан. Шу билан бирга деҳқончиликдан топганини ҳам хайрли ишларга сарфлаши билан элдошлари орасида обрў-эътибор қозонган. Яқинда у ўз ҳисобидан маҳалладошларига ёшлар гузарини қуриб берди. Гузарда ошхона, савдо расталари фаолият кўрсатмоқда.



**СУРАТЛАРДА:** Олимжон ҳожи Маҳкамов (юқорида) ва у бунёд этган ёшлар маркази.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

*«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида*

# ЗАРУР МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Фарғона вилоятининг Фарғона тумани ҳудудида жойлашган лицейга қарашли турар-жой биносида истиқомат қилувчи 14 хонадон аъзолари томонидан таҳририятга шикоят хати келди. Унда фуқаролар ўзлари яшаб турган хонадонларда иссиқ ва ичимлик суви йўқлиги, шу туфайли яшаш шароити оғирлашганлиги ҳақида арз қиладилар.

Шикоятда кўрсатилган камчиликлар, деб жавоб беради мазкур масала бўйича Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари жаноб Ф.Азимов, тегишли ташкилот вакиллари, сув таъминоти мутахассислари, вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Шарипов, бошқарма эксперт назорат бўлимининг бошлиғи О.Умматов, лицей директори А.Эшонқулов, маҳалла қўмитаси раиси Б.Мирзаев ҳамда шикоят муаллифлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам турар-жой биносида иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти ёмон аҳволда. Сабаби, иссиқлик қозонхонасидаги тўртта қозондан иккитаси вақт ўтиши билан таъмир талаб бўлиб қолган. Ичимлик суви билан таъминлайдиган артезиан қудуғи ҳам шу аҳволга келиб қолган.

Масалани ўрганиш натижасида юқорида кўрсатилган камчиликларни тугатиш чоралари кўрилди. Вилоят ҳокимлигининг ижтимоий мажмуа бўлими ва ўрта махсус касб-ҳунар ҳудудий бошқармаси мўлжалдаги ишларни бажариш учун 1,5 миллион сўм маблағ ажратди. Камчиликлар бартараф этилишининг бориши назоратга олинган.

## АКСЕЛС
## «Эдмунд С.Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш» дастури Олий ўқув юртларини битирганлар ва дипломли мутахассислар учун АҚШ аспирантураларида ўқиш имконияти 2001

ЮСИА - АҚШ Ахборот агентлиги ва Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши 2001/2002 ўқув йили учун Эдмунд С.Маски номидаги стипендия/Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда МДҲ фуқароларига АҚШда бир ёки икки йил ўқиш имконияти тақдим этилади.

**Ўқиш соҳалари:** **бизнесни бошқариш, таълимни бошқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш, иқтисодиёт, таълимни бошқариш, халқаро муносабатлар, журналистика, ҳуқуқ, кутубхона ва ахборот фаолияти, давлат ва жамият бошқаруви, соғлиқни сақлашни бошқариш ва ижтимоий сиёсат.**

**Дастурда**
- ✓ *Ўзбекистон фуқароси бўлган;*
- ✓ *ариза бериш жараёнида ёши 40 дан ошмаган;*
- ✓ *ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида 15 қатнашчи давлатлардан бирида яшаётган;*
- ✓ *олий маълумотга эга ёки 2001 йилнинг июл ойигача олий ўқув юртни битирадиган талабалар. Ҳуқуқ ихтисоси бўйича мурожаат этиш учун қатнашчининг ҳуқуқдан дипломи бўлиши шарт;*
- ✓ *ҳужжатларни топшириш пайтида ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;*
- ✓ *ихтисос соҳасида мутахассислик қобилияти ва пешқадам салоҳиятини намойиш эта оладиган;*
- ✓ *ўқишни 2001 йил ёзидан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқиш бошланишини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;*
- ✓ *АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин;*
- ✓ *дастурни тугатгандан кейин, ўз ватанига қайтишни режалаштирган.*

Эдмунд С.Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди.

**Тўлдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 27 октябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.**

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:
**Тошкент** (371) 152-21-81(86), **Самарқанд:** (3662) 35-02-74, **Нукус** (361) 222-89-57,
**Наманган:** (36922) 6-27-50, **Бухоро:** (36522) 4-22-46.

3347-1

*МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!*

**Кўпчиликнинг илтимосига кўра,**

# "АСАКА" банки

**омонатларнинг янги**

# «ИСТИҚЛОЛ»

**тури бўйича аҳолидан маблағларни қабул қилиш муддатини**

***2000 йилнинг 20 октябрига қадар узайтирди.***

***Омонатни "Асака" банкнинг истаган бўлимида очишингиз мумкинлиги тўғрисида эслатиб ўтамиз.***
***Омонат муддати - тўрт ой.***
***Омонатнинг энг кичик ҳажми - 500000 сўм***
***Унинг максимал миқдори чекланмаган.***
***Омонат бўйича ҳар ойда 6% ёки йиллик 72% миқдорида даромад тўланади.***
***Республиканинг ҳеч бир банкида ҳали бундай имконият яратилмаган!***
***"Асака" банки - омонатларингиз сақланиши ва кўпайишининг гаровидир.***

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92**
**Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67**
**Банк филиаллари - Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.**

3356

## АКСЕЛС
## АҚШда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш Дастури 2001

ЮСИА - АҚШ Ахборот хизмати ва Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС) илмий-тадқиқот дастурини эълон қилади. Дастур МДҲ давлатлари аспирантларига АҚШ университет ва институтларида илмий даража олмай илмий тадқиқот ўтказиш имкониятини тақдим этади. Дастур қатнашчилари тўрт ёки олти ой давомида АҚШда қуйидаги соҳалар бўйича тадқиқот ўтказиш имкониятига эга:

**АҚШ мамлакатшунослиги, бизнесни бошқариш (жумладан, бизнес ва менежмент таълими бўйича ихтисослашиш), шаҳарга доир режалаштириш, халқ таълими, халқаро можароларни ҳал қилиш, криминалистика, иқтисод (жумладан, халқаро савдо, молия ва инвестициялар), таълим (жумладан, университетларни бошқариш), этика ва фалсафа, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар, давлат бошқаруви, тарих, саноатда меҳнат муносабатлари, информацион технологиялар (интернет ва янги информацион технологияларни олий таълимотда қўллаш), журналистика, ҳуқуқ, кутубхона фанлари, менежмент ва маркетинг, сиёсий фанлар, давлат ва жамият бошқаруви (атроф муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш), ижтимоий ишлар, социология (ижтимоий ва маданият антропология), хотин-қизлар масалалари.**

**Дастурда**
- ✓ *Ўзбекистон фуқароси бўлган;*
- ✓ *АҚШ институтларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлмаган ва илмий фаолиятларининг бошланғич босқичидаги аспирант ва илмий ходимлар;*
- ✓ *ариза бериш пайтида (яъни 2000 йил 27 ноябрга қадар) ёши 24 дан 60 гача бўлган;*
- ✓ *ариза бериш пайтида фан номзоди ёки ундан юқорироқ илмий даражага эга ёки номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораётган;*
- ✓ *24 ихтисосдан бири бўйича АҚШ институтларида илмий-тадқиқот олиб бориши зарур бўлган;*
- ✓ *ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда мустақил илмий-тадқиқот иш олиб бориш қобилиятига эга;*
- ✓ *танланган ихтисос бўйича нашри бор (аспирантлар учун курс иши бўлиши мумкин);*
- ✓ *илмий-тадқиқот ишини 2001 йил август ёки 2002 йил февралида бошлашга тайёр бўлган;*
- ✓ *АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин.*

Илмий-тадқиқот дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди.

**Тўлдирилган анкеталар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 27 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.**

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:
**Тошкент** (371) 152-21-81(86), **Самарқанд:** (3662) 35-02-74, **Нукус** (361) 222-89-57,
**Наманган:** (36922) 6-27-50, **Бухоро:** (36522) 4-22-46.

3347-2




«Ўзбекмебел» Давлат акционерлик бирлашмаси «Олмалиқ уй-жиҳоз комбинати» ҳиссадорлик жамиятининг раҳбари Бахтиёр Юсуповга турмуш ўртоғи

**Маърифат ИСОҚОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси қишлоқ хўжалик механизацияси кафедраси катта ўқитувчиси Алия Сулеймановага волидаи муҳтарамаси

**Гулюмхан ая ДЖЕМИЛЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази Уйғур миллий маданий марказининг собиқ раиси

**Карл ХУДОЁРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

## АКСЕЛС
## Озодликни қўллаб-қувватлаш Дастури
## Олий ўқув юртлари талабалари учун АҚШ университетларида ўқиш имконияти 2001

ЮСИА - АҚШ Ахборот хизмати ва Халқаро таълим кенгаши 2001/2002 ўқув йили учун Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастурда олий ўқув юртларининг 1, 2 ва 3 курс талабаларига АҚШда ўқиш имконияти тақдим этилади.

**Ўқиш соҳалари:** **қишлоқ хўжалиги/ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, АҚШ мамлакатшунослиги, бизнес, иқтисодиёт, таълим/методология (2-ва 3-курс талабалари учун), журналистика, информацион технология (1-курс талабалари учун), социология (соғлиқни сақлашни бошқариш, фуқарошунослик), халқаро муносабатлар (2-ва 3-курс талабалари учун), сиёсатшунослик, ҳуқуқ.**

**Дастурда**
- ✓ Ўзбекистон фуқароси бўлган;
- ✓ ёши 17дан 23гача бўлган;
- ✓ ҳужжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида Ўзбекистонда яшайдиган;
- ✓ ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;
- ✓ ҳозирги пайтда бакалавр унвонини берувчи ўқув юртининг 1-3 курс талабалари;
- ✓ ўқишни 2001 йил ёзидан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичга ўтганлар ўқиш бошланишини кечиктириш ҳуқуқига эга эмаслар;
- ✓ АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган кишилар қатнашиши мумкин.

Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури қатнашчилари ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди.

**Тўлдирилган мурожаатномалар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 2000 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши лозим.**

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин:
**Тошкент** (371) 152-21-81(86), **Самарқанд:** (3662) 35-02-74, **Нукус:** (361) 222-89-57,
**Наманган:** (36922) 6-27-50, **Бухоро:** (36522) 4-22-46.

3347-3

# «ЯШИЛ ҚИТЪА»ДА НИМА ГАП?

## Юнон-рум кураши

58 килограмм вазн тоифасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчимиз Дилшод Ориповнинг ажойиб ғалабаси кечаги кун мусобақаларининг катта шов-шувига айланди. Дилшод қозоғистонлик Олимпия чемпиони Юрий Мельниченкони мағлуб этиб, кейинги босқичга йўлланма олди. Ушбу спорт тури бўйича иштирок этаётган яна бир курашчимиз Баҳодир Қурбонов эса учта ғалаба, битта мағлубиятдан сўнг якуний ҳисобда бешинчи ўринни эгаллади.

## Трамполин

Австралияга йўл олган 77 нафар вакилларимиз ичида ҳозирча энг юқори натижага айнан шу спорт тури бўйича қатнашаётган Екатерина Хилько эришди — тўртинчи ўрин. Агар мусобақаларнинг финал қисмида унга салгина омад кулиб боққанида бронза медалига ҳам сазовор бўлиши мумкин эди.

## Бокс

Бугун энг қизиқарли «жанг»лар бўлиб ўтиши кутилмоқда. Қувонарлиси, ярим финалга чиқиш учун бўладиган баҳсларда мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари ҳам қатнашади. Жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев белоруссиялик Сергей Буковский билан беллашса, Сергей Михайлов 81 килограмм вазн тоифасида Ўлжас Ўрозалиев (Қозоғистон) билан рингга чиқади. Сизга маълумки, бу учрашувдаги ғалаба камида бронза медали нақд дегани.

Шунингдек, боксчиларимиздан 54 килограмм вазнда Алишер Раҳимов, Руслан Чагаев (91 кг) ва оғир вазнда Рустам Саидов ҳам чорак финал ўйинларида иштирок этишади.

**Ўз мухбиримиз.**

**Абу Райҳон БЕРУНИЙ**



Ҳаракат бирон эҳтиёт ва зарурат учун содир бўлади, чарчаш заруратдан кейин келади, демак, чарчаш ҳаракат натижасидир.

* * *

Одам бўйининг кичиклиги сабабли Ернинг шарлиги сезилмайди, деган сўз тўғри эмас. Чунки одам бўйи баланд тоғ қадар бўлса ҳар жойда туриб, ер устига қараса-ю, жойдан жойга кўчиб, ердаги бор турли ҳолатларни бир-бирига солиштириб қарай олмаса, ундай узун бўй ернинг шарлигини билишга ҳам, унинг чегарасини аниқлашга ҳам фойда келтиролмайди.

**ҲИКМАТ**

*Айтилган сўз кумуш,*
*Айтилмаса зар.*

# МАЙДОНДАН ТАШҚАРИ «ЎЙИН»

## «Навбаҳор» футбол жамоасининг ярашмаган қилиқлари муносиб баҳоланди

***Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан бўлган ўйинда «Навбаҳор»нинг ўринбосарлари майдонга тушди. Асосий таркиб эса... Очиғини айтиб қўяқолайлик, улар майдонга тушишдан бош тортишди. Нега?***

Мухлислар севимли жамоаси учун куйиб-пишиб тарафкашлик қилади. Ғалаба қозонса, олам-олам завқ олади. Бу борада наманганликларга тараф йўқ. «Навбаҳор» ҳозиргача ўтказилган саккизта чемпионатнинг бирортасида мукофотсиз қолмаган. Кейинги пайтларда ана шундай жамоанинг обрўси пасайиб, мухлислар ишончига соя ташлагандай бўляпти.

В. Жалилов бош мураббий бўлгач, тан олиш керак, аввалига шижоат билан ишлади. Кетма-кет ғалабалар мухлисларни шод этди. 1996 йилда наманганлик футболчилар мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритишгач, нима жин урдию, Виктор Романович босар-тусарини билмай қолди. Гўё ундан зўр мураббий йўқдек. Ҳеч ким мушугини «пишт» демагач, кўнглига келган ишни қила бошлади. Мисол дейсизми? Ака-ука Ҳошимовлар бир ярим йил давомида «Навбаҳор» захирасида ўтириб, даволанишди. Айни майдонга тушадиган пайтда «Дўстлик»ка равона бўлишди. Дарвозабон Р. Аҳмедхонов эса «Пахтакор»га «совға» қилинди. Уч йил давомида «Навбаҳор»нинг ўринбосарлар таркибида тобланиб, олий лига ўйинларига тайёр бўлган О. Собиров, В. Пономарёвлар ҳам қўш қўллаб «Дўстлик»ка тутқазилди. М. Қурбоновнинг ана шу жамоага БИР йилга ижарага берилганига ҳам ИККИ йилдан ошди. Таиландда ўтказилган халқаро турнирдан сўнг ҳужумчи Р. Дўрмонов телевидение орқали берган интервьюсида ҳимоячилар ва мураббийлар ҳақидаги танқидий фикрлари учун «думи тугилди».

Гапнинг очиғи, кейинги йилларда жамоада таълим-тарбия ишлари эътибордан четда қолди. Ёш спортчиларни ватанпарварлик, она юртга садоқат руҳида тарбиялаш раҳбариятнинг ёдидан кўтарилди. Бош мураббий В. Жалилов футбол учрашуви якунланиши биланоқ бир гуруҳ шогирдларини ёнига олиб уйига — Тошкентга жўнаб кетаверди. Бора-бора навбатдаги тур ўйинига бир ёки икки кун қолгандагина наридан-бери машғулот ўтказиб, майдонга чиқиш одат тусига кирди. Ана шундай ўзбошимчаликлар оқибатида жамоада муҳит ёмонлашди. Вазият шу қадар таранглашдики, шу йил 17 сентябр куни юқоридаги ҳолат рўй берди. Ўринбосарлар таркиби 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради. «Навбаҳор» тарихида бундай хунук ҳол сира юз бермаган.

Мутасаддиларнинг айтишларича, футболчилар маош ва мукофот пулини олмаганликларини рўкач қилишибди. Тартиб-интизомга, ўйин тақдирига масъул бош мураббий эса ҳеч нарса бўлмагандек, ўйинчиларни ташлаб яна уйига йўл олибди. Ана, сизга раҳбарнинг масъулияти.

— Аслида жамоанинг иқтисодий аҳволи нолийдиган даражада эмас, — дейди «Навбаҳор» футбол клуби президенти М. Тожибоев. — Яратилган шароитга ҳамма ҳавас билан қарайди. Катта-катта маош олишади. Озиқ-овқатлари жойида. Ҳар бир ўйинчига алоҳида эътибор билан қараб, талаб-истакларини қондириб борамиз.

М. Тожибоевнинг айтишича, футболчилар билан шартнома биринчи ўринни эгаллаш даражасида тузилган. Жамоа эса ҳали тўртинчи поғонадан юқорига кўтарилгани йўқ. Бундан ташқари қанчадан-қанча маблағ сарфлаб, Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги ўйинларида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига юборилди.

Натижа ҳаммага маълум. Таиландда ўтказилган тўрт жамоа ўртасидаги халқаро турнирдан охирги ўрин билан қайтилди. Боз устига биринчи давра якунлангандан сўнг ўқув-машғулот йиғини учун Москвага уюштирилган сафар ҳам ўзини оқламади.

Бош мураббийнинг манманлиги, ўйинчиларнинг беқарорлиги вилоят футбол федерациясининг куни кеча ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Федерация масъул котиби М. Кензин, спорт журналисти О. Хоназаров, ишқибозлар клуби аъзоси С. Ёқуббоев ва бошқалар жамоада таълим-тарбия издан чиққанлиги, ўринбосарлар тайёрлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги хусусида куйиб-пишиб гапирдилар.

Ҳар ким экканини ўради. Ишдаги жиддий хато ва камчиликлари учун бош мураббий В. Жалилов, жамоа бошлиғи Т. Абдуллаев, «Навбаҳор» клуби раиси Ҳ. Акрамов ўз вазифасидан озод қилинди. Бекобод шаҳридаги «саботаж» ташаббускори бўлган дарвозабон О. Бельяков, ҳимоячи К. Гальченко, ярим ҳимоячи Ш. Раҳмонқуловларни ўйинлардан четлаштириш масаласи республика футбол федерациясига тавсия этилди.

Етакчининг субутсизлиги, ўйинчиларда ўзи меҳнат қилаётган жамоа шаънига бефарқлик, энг муҳими, кўп сонли мухлисларга нисбатан ҳурматсизлик «Навбаҳор»ни боши берк кўчага киритди. Яхшиямки, жамоага юққан бу хавфли иллатнинг томири, кеч бўлса-да кесиб ташланди. У «Навбаҳор»нинг янги раҳбарияти, қилмишидан пушаймон бўлган ўйинчилари учун сабоқ бўлиб қолса ажаб эмас.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.


**САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ СУЙГАН ДАРГОҲ**



*Бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейишади. Балки Отабек Муқимов ҳам ўзбек халқ чолғу асбобларини ясаш, таъмирлаш ҳунарини танлаганининг боиси ҳам шундандир.*

*Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган «Нуғайкарвон» саройида маданий-маиший хизмат турлари билан бир қаторда иш юритаётган ушбу устахона ҳамиша санъат шайдолари билан гавжум. Яқиндагина шогирд бўлган Отабекнинг айни пайтда ўнлаб шогирдлари бор.*

**СУРАТДА: уста Отабек Муқимов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**




## ТИЛАМЧИ МАЙМУНЛАР

Айтишларича, қуён яхшилаб калтакланса, гугурт чақишни ҳам ўрганиб олиши мумкин экан. Ҳиндистонда бўлган воқеани эшитиб, ҳайратингиз янада ошади.

Мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари фуқаролари тиламчи маймунлардан паймонаси тўлган. Ваҳоланки, маймунлар одамларга ҳужум қилишаётгани йўқ ёки нон ва бошқа егуликлар сўрамайди ҳам, фақат пул сўрайди. Мабодо, пул бермасангиз, уларнинг жаҳли чиқиб, қўлларини мушт қилиб дўқ-пўписа ҳам қилиб қўядилар. Майда тангa олган маймунлар яқин орадаги бозорга бориб, мева ёки сабзавот харид қилишмоқчи бўлишади. Бу устомон харидорлар арзимаган пулга кўп нарса олишга ҳаракат қилишади. Агар сотувчи бу харидорнинг арзимаган тангасига кўп нарса бермаса, унда маймунлар сабзавотларни очиқдан-очиқ олиб қочишади, бунақада текинга тушади.



**Биласизми?**

***Бугунги кунда аксарият мамлакатларда семизлик муаммосидан қийналмаган одамни топиш қийин. Орқлашга интилиш ўз-ўзидан пайдо бўлмаган — у турмуш тақозосидир.***

# СЕМИРГАН ЯХШИМИ ЁКИ ОРИҚЛАШ?

Орқлаш ишқига тушган Ер юзидаги одамлар орасида ёш ва кексани, шоҳ ва гадони учратиш мумкин. Улар кўп ҳолларда қатъий парҳезга риоя қилиш орқали ўзларини қийнашади, икки ойлардан кейин яна йўқотилган килограммларни тиклашади ва тағин аввалги азоб такрорланади.

Кўплаб анъанавий удумларда ориқлик касаллик аломати саналади, семизлик эса гўзаллик, саломатлик ва ўзига тўқлик рамзидир. Пўримлик ва қадду қоматнинг келишганлиги азалдан ноз-неъматлар тўкин-сочин жамиятда намоён бўлган. Гўзаллик — ҳамма вақт ҳам ноёб неъмат бўлиб келган. Ғарб мамлакатларида уруш, инқилоб каби эврилишлардан сўнг сарвқоматлик ноёблашади. Айнан ўшанда қотма кўриниш урфга кирди.

Олтмишинчи йилларда мўл-кўлчилик билан бирга ахборот маъмурлиги ҳам вужудга келди: телевидение, модалар тарғиботи ва реклама гуркираб ривожланди. Телеэкранлар гўзал ва назокатли чеҳралар, нимани реклама қилмасинлар, ўз қадду қоматлари хушбичим эканлигини намойиш этдилар. Дамбадам кўз-кўз қилинган неъматлар — гамбургер, шоколад, чучвара, майонез ва бошқа роҳатбахш таомлар томошабин иштаҳасини карнай қилиб юборди.

Албатта, кўп овқатланиш фақат реклама туфайли содир бўлмайди. Одамлар зерикишдан ва ҳаяжондан, танҳолик ва улфатлар даврасида ўзларини овқатга уришади, егулик орқали ҳаяжон ва изтиробдан қутулмоқчи бўлишади.

Ҳар биримизда шундай савол туғилади: «Менинг оғирлигим меъёридами ёки ортиқча?» Энг мақбул вазнни аниқлашнинг муқобиллари кўп. Улар орасида француз антропологи Пол Брок тақдим этган формула эътиборга сазовордир. Мана, сиз ҳам танишинг:

**Вазн (кг) = бўй (см) — 100 (бўй 165 см. бўлганда)**

**Вазн (кг) = бўй (см) — 105 (бўй 166-175 см. бўлганда)**

**Вазн (кг) = бўй (см) — 110 (бўй 176 смдан баланд бўлганда)**

Кўпгина мутахассислар Брок кўрсаткичлари 40-50 ёшлардаги аёлларга тўғри келишини айтишади. 20-30 яшар аёллар, уларнинг фикрича, юқоридаги кўрсаткичлардан 10-12 фоиз кам бўлиши, 50 ёшдан кейин 5-7 фоиз кўп бўлиши керак.

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**





**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 716,
18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.10*
1 2 3 4 5 6


**ЖУМБОҚ**

**Фақат бешта икки ва қўшиш белгиси ёрдамида 28 сонини ҳосил қилинг.**

Кечаги сонда берилган жумбоққа биринчи бўлиб 136-35-60 телефони орқали Фарғона вилояти Охунбобоев туманидан Отабек Тожибоев тўғри жавоб йўллади. (Жавоби: олмалар сони 160 та бўлган).

*(Газетанинг навбатдаги сони 29 сентябр, жума куни чиқади.)*


**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича докторантура ва аспирантурага кундузги ўқув шакли бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

08.00.09. — Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар;
12.00.10. — Халқаро ҳуқуқ;
23.00.04. — Халқаро тизимлар ва умумжаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари.





**Ҳужжатлар 2000 йил 20 октябргача Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» кўчаси, 54-уй, «А» корпус, 3-хонада қабул қилинади.**

3341

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:**

1.1. ***«Олий математика»*** *— доцент (8), катта ўқитувчи (4), ассистент (3).*
1.2. ***«Гидравлика»*** *— доцент (2), катта ўқитувчи (1).*
1.3. ***«Гидрология ва гидрогеология»*** *— доцент (2), ассистент (1).*
1.4. ***«Гидромелиорация ишларини механизациялаш»*** *— доцент (2), катта ўқитувчи (1).*
1.5. ***«Ўзбек тили»*** *— доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (2).*
1.6. ***«Жисмоний тарбия»*** *— доцент (2), катта ўқитувчи (4).*
1.7. ***«Чет тили»*** *— катта ўқитувчи (4), ассистент (5).*

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. ТИҚХМИИ кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.**

**ТЕЛЕФОН: 137-19-49** **РЕКТОРАТ**

3358